



## ЎҚУВ ЛУҒАТЛАРИДА ОЛАМНИНГ ФРАЗЕОЛОГИК ТАСВИРИ

*Раджабова Зиёдахон Ибодулло қизи*  
*Қариш давлат университети*

**Аннотация:** Ушбу мақолада оламнинг фразеологик тасвирини турли аспектларда ёритиши, оламнинг фразеологик манзараси, фразеологик бирликларнинг тарихий ва этимологик таҳлили ҳақида сўз боради.

**Калим сўзлар:** миллий менталитет, оламнинг лисоний тасвири, лингвистик тафаккур, фразеологик маъно, фразеологик тасвир.

**Аннотация:** В данной статье описывается фразеологический образ мира в различных аспектах, фразеологический ландшафт мира, историко-этимологический анализ фразеологизмов.

**Ключевые слова:** национальная ментальность, языковая картина мира, языковое мышление, фразеологическое значение, фразеологический образ.

**Abstract:** This article deals with the coverage of the phraseological image of the world in various aspects, the phraseological landscape of the world, the historical and etymological analysis of phraseological units.

**Key words:** national mentality, linguistic image of the world, linguistic thinking, phraseological meaning, phraseological image.

Тилнинг антропоцентрик феномен сифатидаги талқини, миллий маданиятда инсоннинг ўрни муаммоси ХХI аср тилшунослиги тараққиётининг етакчи анъаналаридан ҳисобланади. Тилга антропоцентрик ёндашув ҳар қандай умумназарий муаммолар тадқиқи ва ечимига “инсон ва тил” ҳамда “тил ва маданият” муштараклигидан келиб чиқиб, инсоннинг “тилда ва тил орқали” намоён бўлишининг барча объектив ва субъектив томонларини ҳисобга олган ҳолда тадқиқ қилиш имконини беради.

“Олам тасвири” тушунчаси сўнгги йилларда қатор фанлар – фалсафа, тилшунослик, психология, маданиятшунослик, гносеологиянинг объекти сифатида турлича талқин қилинди, турлича таърифлар берилди: “Оламнинг лисоний тасвири тарихий жиҳатдан ривожланган маълум инсонийлик жамияти онгида олам ҳақидаги тасаввурларнинг акс этиши ва борлиқни англашнинг муайян усули” [1:49]. “Оламнинг лисоний манзараси – тил призмаси орқали дунёга назар” [2:73]. Бироқ мутахассис-ларнинг таъкидлашича, ҳануз унинг қайси фанга тегишли экани ва умумий таърифи аниқ эмас [3:34].

Маълумки, ҳар қандай миллий тил алоқа алмашинув (коммуникатив), ахборот бериш (информатив), ҳис-ҳаяжонни ифодалаш (эмотив), муайян инсонийлик жамиятининг олам ҳақидаги билимлари ва тасаввурларини тўплаш (аккумулятив) ва авлоддан-авлодга етказиш вазифасини бажаради. Тилнинг тасвирий бирлиги бўлган фразеологизм оламнинг лисоний манзарасини ўзида акс эттиришда бошқа тил бирликларига қараганда кенгрок имкониятга эга. Шу нуқтаи назардан оламнинг фразеологик тасвири оламнинг яхлит лисоний тасвирининг бир бўлаги ҳисобланиб, фразеологик маъно лисоний бирликнинг лингвистик ва экстралингвистик омиллар уйғунлигига асосланган универсал талқини сифатида тушунилади.

“Оламнинг лисоний тасвири марказида инсон – унинг аъзолари, ҳиссиётлари, эҳтиёжлари, қизиқишлари туради. Инсон атрофидаги оламни ўз тана тузилиши билан таққослайди, ўхшашликларни ўзига хос тарзда акс эттиради ва борлиқни ўз фаолияти билан бевосита боғлиқ соҳа сифатида англайди. Фразеологик бирликлар таркибида инсон кундалик ҳаётида учрайдиган нарса ва ҳодиса номлари (уй-рўзғор буюмлари, озиқ-овқат маҳсулотлари, касблар ва бошқ.), уни ўраб турган оламдаги асосий тушунча номлари (осмон, ер, ўсимлик, ҳайвонот дунёси) учрайди. Шундай қилиб, оламнинг фразеологик тасвири – бу тасвирлаш мезони асосида инсон турган оламнинг “инсоний” моделидир” [3:58].

Фразема халқ миллий маданияти ва миллий менталитетининг бебаҳо манбаи бўлиб, тил ҳодисаси сифатида лингвомаданий талқинни талаб этади. У лингвистик тадқиқ объекти





бўлиш билан бирга “миллий менталитет”, “оламнинг лисоний тасвири”, “оламнинг миллий лисоний манзараси”, “лингвистик тафаккур” каби тушунчалар билан чамбарчас боғлиқ ҳодиса. Шу боис сўнги йилларда антропоцентрик тилшунослиқда “оламнинг лисоний тасвири” билан бирга “оламнинг фразеологик тасвири” тушунчаси тадқиқига ҳам қизиқиш ортиб бормоқда. Дунё тилшунослигида ҳозирга қадар “оламнинг фразеологик тасвири” тушунчасига бир неча таъриф берилган ва муайян тил ёки бир неча тил материаллари асосида турли аспектида (лингвомамлакатшунослик, лингвомаданиятшунослик, когнитив, контрастив) атрофлича тадқиқ қилинган [4:26].

Оламнинг фразеологик манзараси деганда тилнинг фразеологик бирликлар воситасида анланган ва миллий-маданий қадриятларни лингвистик ҳодиса сифатида яхлит ва содда кўринишда акс эттирадиган умумий тасвири тушунилади. Фразеологизм тилнинг асосий лексик бирлиги – сўздан фарқланиб, асосий вазифаси ахборот узатиш эмас, инсонинг реал ҳаётдаги воқелик, нарса ва тушунчаларга субъектив муносабати, ҳис-туйғуларини ифодалайди. Шу нуқтаи назардан “олам манзараси” тушунчаси фраземаларда кучлироқ ўз ифодасини топади. Бир тилда мавжуд фразеологизм иккинчи тилда ўз семантик қирраларини тўла намоён қила олмайди. Шу боис фразеологик бирлик ҳам, оламнинг фразеологик тасвири ҳам ҳар бир тилнинг махсус ҳосиласи ҳисобланади. Машҳур фразеолог ва фразеограф А.М.Бабкиннинг фразеологияга берган таърифида бу жиҳатлар тўла ўз аксини топган эди: “фразеология – бу миллатнинг руҳи ва ўзига хослиги бетакрор тарзда намоён бўладиган миллий тилнинг муқаддас тимсоли” [5:7]

Фразеологик бирликларнинг тарихий ва этимологик таҳлили уларнинг нафақат нутқ маданияти, балки халқ тарихи, миллий-маданий қадриятлари ҳақида маълумот олишда ҳам муҳим восита эканини кўрсатади. Фраземада халқ ҳаётининг турли даврларига алоқадор тарихий, маданий, ижтимоий, сиёсий тушунчалар, ғоялар ўз изини қолдиради; **миллий урф-одатлар** (*оёғига бош қўймоқ, кавушини тўғрилаб қўймоқ, боши оёғига теккунча таъзим қилмоқ*), диний эътиқод ва афсоналар билан боғлиқ тушунчалар (*омонатини топширди, қайтиши қилди, Азроилга дарс беради, жин чалган, жини суймайди, дақюнусдан қолган*), **ахлоқий хусусиятлар** (*кўрпанга қараб оёқ узат, отдан тушса ҳам эгардан тушмайди, сиркаси сув кўтармайди, беш бармогини оғзига тикади, бургага аччиқ қилиб кўрпани куйдиради, қўлтигига сув пуркайди, бузоқнинг ҳақи бор деб сигирнинг сунини ичмайди*), **халқ турмуш тарзига оид тушунчалар** (*аммамнинг бузоғидай, сувга тушган мушукдай, подадан олдин чанг чиқармоқ, отдан тушса ҳам, эгардан тушмайди, гуруч ортида курмаклар сув ичади, илон нўст ташлайди*) ўз ифодасини топади. Масалан, бугунги кунда ўзбек халқи ҳаётида “арава” асосий транспорт воситаси эмас, аммо қачондир шундай вазифани бажарган: *аравани қуруқ олиб қочмоқ*; айни пайтда кирилл ва лотин алифбоси амалда, бироқ бир неча асрлар араб ёзуви амалда бўлган ва унинг ҳарф шакллари халқ тилида бадиий ифодасини топган: *алифни калтак демоқ, лом-мим демаслик*.

Оламнинг фразеологик тасвири бир қатор ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, манбаларда уларнинг уч асосий турига урғу берилади: универсаллик, антропоцентрик йўналганлик, экспрессивлик [3:43]. Фразеологик маъно, фразеологик тасвир, фраземанинг коммуникатив имкониятлари тилни ўқитиш мақсади билан тузиладиган фразеологик луғатларда ўз аксини топади. Одатда, изоҳ характеридаги луғатлар икки мақсадда тузилади, шунга кўра улар меъёрий (таълимий) ва маълумот, ахборот (академик) берувчи луғатларга бўлинади. Академик изоҳли луғат тилдаги сўзларни тўплаш ва уларнинг маъноларини тушунтириш, луғатда оламнинг лисоний манзарасини акс эттиришни вазифа қилиб олади. У том маънода лингвистик луғат бўлиб, тилнинг лексик ва фразеологик тизимини ўзида имкон қадар тўлиқ қамраб олади, ундан сўзларнинг маъноларини тушуниш ёки текшириш учун фойдаланилади. Бу тоифага мансуб луғатларда сўз танлаш ва уни лексикографик семантизациялашда катта муаммо бўлмайди, сабаби унда тилдаги барча сўзлар ёки айрим тарихий матн, асарга, соҳага, диалект ва хоказоларга оид сўзлар тўпланади ва умумий тарзда изоҳланади.

Фразема ўзида миллий-маданий белгиларни ташийди, унда халқ тарихи, ижтимоий





хаёти, маданияти, диний эътиқодига оид тушунчалар акс этади. Фразеологик маъно изоҳи луғат характериға мос равишда ўзида оламнинг ана шу миллий фразеологик манзарасини акс эттира олиши лозим[6:175-183].

ЎФЛда оламнинг фразеологик тасвирини тўлдиришда этимологик изоҳ лингвистик жиҳатдан ҳам, психологик жиҳатдан ҳам, педагогик мақсадга кўра ҳам муҳим роль ўйнайди. Одатда, фразеологик луғатларда фразема тарихига доир маълумотлар, фраземалаштириш жараёнларига оид тафсилотлар луғат мақоланинг иккинчи компоненти ҳисобланиб, фразеологик маънодан кейинги ўринда туради.

ЎФЛда бериладиган этимологик изоҳ бош фразема изоҳидан бадиий-тасвирий воситаларга бойлиги, баъзан ҳаётий воқелик, баъзан тўқимага асосланган бўлиши, мураккаб ҳикоя қурилишга эгаллиги билан ажралиб туради. Луғат муаллифи этимологик ҳикояга миллий руҳни сингдириши, ҳикоя мазмунини миллий ғоямиз манфаатларига мослаштириши ҳам мумкин.

Р.А.Аюпова этимологик шарҳни мукамал, аммо ўзига хос оригинал бўлишини таъкидлайди [7:269]. Яъни этимологик изоҳ фундаментал асосга эга бўлади, маълумот бирор аниқ манбага таянади. Бироқ унинг айнан кўчирмаси бўлмайди. Боланинг ёши, таълим босқичи характеридан келиб чиқиб ишланади.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, фразема маъносини изоҳлашда унинг этимологияси эмас, ҳозирги кунда аниқланган, умумистеъмолда бўлган маъносига таянилади [8:47]. Бу фразеологик маъно ва этимологик шарҳ бир-биридан фарқланади деган хулосага олиб келмаслиги лозим. Қолаверса, этимологик шарҳ ҳар доим ҳам воқеликка асосланмайди. Масалан, ўрта мактаб ўқувчилари учун мўлжалланган ЎФЛда *ерга урса*, *кўкка сапчийди* фраземаси бўйича луғат мақола таркиби ва унда фразеологик маъно ва этимологик изоҳни кўриб чиқамиз:

#### Ерга урса, кўкка сапчийди *фл. с.у.*

1. Ўта шўх, тиниб-тинчимас (ўғил болаларга нисбатан). Варианти: **Ерга урсанг, осмонга сапчийди, ерга урса, кўкка сачрайди, ерга урса, булутга сакрайди.** Синоними: **Ер-у кўкка турмайди, сиркаси сув кўтармайди.** Антоними: **Тепса, тебранмас.** *Ўта шўх, ерга урса, осмонга сапчийдиган айрим тенгқурларимиз ҳам унинг олдида қўйдек ювош тортиб қолишганини яхши эслайман. “Халқ сўзи”. Исломбек жуда шўх бола бўлган, нақ ерга урсанг, кўкка сапчийди. «Ёшлик». Шўх, ерга урса булутга сакрайдиган, ҳаққа бўйин эгиб, ноҳаққа сакраб кетадиган Сарсенбойнинг ор-номуси зўр эди. Р. Файзий, Хазрати инсон.*

2. Тўғри маслаҳатга юрмайдиган, бетгачопар, бебош. *Азизхон бебош, ерга урса кўкка сапчийдиган, қилиш-қилмишидан элга нафи тегмайдиган бебошвоқ йигит. У. Норматов, Талант тарбияси.*

Одатда, енгил вазнли нарса ёки жисм бир жойда муқим турмайди. Ўта шўх, гап укмас болалар бир жойда тинч тура олмайди. Шу боис уларга нисбатан **ерга урса, кўкка сапчийди** дейишади. Баъзан уришқок, бетгачопар инсонларга нисбатан ҳам шу ибора қўлланади.

Ушбу ибораларнинг қайси бири *ерга урса, кўкка сапчийди* иборасига нисбатан зид маъно ифодалайди? *Елкаси ерга тегмаган, қўй оғзидан чўп олмаган, ўтирган ўрнини бермайди.*

Ушбу гапларнинг қайси бирига *ерга урса, кўкка сапчийди* иборасининг маънодоши берилган? *шоҳу бутоққа турмайди, текканга тегиб, тегмаганга кесак отади, тегирмонга туиса, бутун чиқади.*

Ўқув луғатларида оламнинг фразеологик манзарасини акс эттиришга антропоцентрик ёндашув бир неча босқич ва бир неча аспектларда иш олиб боришни тақозо қилади. Бу масалага бир пайтда ҳам ўқув фразеографияси, ҳам ўқув лексикографияси, ҳам фразеология ва фразеография назарияси, ҳам лингводидактиканинг назарий ва амалий ютуқларига таянган ҳамкорликни талаб этади. [9:12].





Фразеологик луғатда изоҳ фразеологик бирлик маъносининг тўлиқ лексикографик тавсифини, бошқача айтганда оламнинг фразеологик манзарасини тўла акс эттирсагина ўзини оқлайди. Ўзбек тилининг синонимларга бой экани, тилда метафоризация жараёнларининг кучлилиги, фраземаларда полисемия, синонимия ходисаларининг кенг кузатилиши семантик ўхшашлигига кўра нафақат лексемалар, балки фраземаларни ҳам қиёсий ўрганиш, маъно нозикликларини фарқлашни тақозо қилади.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Кибрик А.А. Языковая картина мира // Энциклопедия Кругосвет. – М., 2002. С.49.
2. Яковлева Е.С. Фрагменты русской языковой картины мира // Вопросы языкознания. – 1994. № 5. – С.73–89.
3. Сираева Р.Т., Фаткуллина Ф.Г. Фразеологическая картина мира: основное содержание и признаки // Современные проблемы науки и образования. – 2014. –№ С.34–43–58; <http://www.science-education.ru/ru/article/view>.
4. Шкатова В. В.. Фразеологическая картина мира как объект лингвистического изучения. // 2014 С.26. [https://cyberleninka.ru/viewer\\_images/14630401/f/1.png](https://cyberleninka.ru/viewer_images/14630401/f/1.png).
5. Бабкин А. М. Русская фразеология, ее развитие и источники. –Ленинград, 1979. – С.7.
6. Бестугина, Ю. В. О лексикографическом описании фразеологических единиц в словарях детской речи. Материалы III Всерос. науч. конф., Иваново, 5-6 апреля 2005 г. –Иваново: Иван. гос. ун-т, 2006. – С.175-183.
7. Аюпова Р.А. Фразеология и фразеография английского и русского языков. Монография. – Казань: издательство Казанского (Приволжского) федерального университета, 2013. – С.269.
8. R.Khachaturyan. Anthropocentrism in English and Russian Phraseology. // Research on Humanities and Social Sciences. Vol.5, No.4, 2015 <https://www.iiste.org/Journals/index.php/RHSS/article/view/>
9. Роголёва Е.И. Современная учебная фразеография: теория и практика. – Псков: ООО ЛОГОС Плюс, 2014. – С.12.
10. Турабова С. К. ЗАМОНАВИЙ ШАРОИТДА ЯНГИЧА ФИКРЛАШ ТАРЗИ ВА АРГУМЕНТАТИВ КОМПЕТЕНТЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЎЗARO АЛОҚАДОРЛИГИ. – 2022.
11. Turabova, S. K., & Juraeva, V. F. (2019). THE SOCIO-POLITICAL SIGNIFICANCE OF THE PHENOMENON SCIENTIFIC DISCUSSION IN THE DEVELOPMENT OF THINKING OF THE PEOPLES OF THE EAST. Scientific Bulletin of Namangan State University, 1(8), 168-174.
12. Turabova, S. K. (2019). Social importance of the discussion in the development of civil society. Scientific Bulletin of Namangan State University, 1(6), 260-266.
13. Kattakulovna, T. S. (2022, April). SCIENTIFIC DISCUSSIONS AS AN INNOVATIVE METHOD OF COGNITION. In Conference Zone (pp. 116-117).
14. Axmedov B. Qorako'lchilik sohasini ilmiy tadqiqotlarda o'rganilishining ahamiyati //Journal of Social Sciences. – 2021. – Т. 2. – №. 01.
15. Mamasaliev M. M., Elboeva S. B. RELIGIOUS-PHILOSOPHICAL DOCTRINES OF SARVEPALLI RADHAKRISHNAN //Theoretical & Applied Science. – 2019. – №. 11. – С. 339-342.
16. Мамасалиев М. М., Бўриев И. И. Информационная безопасность учащихся-одно из основных направлений деятельности педагога //Фундаментальные основы инновационного развития науки и образования. – 2019. – С. 188-190.

